

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 359-ҳадис

وَعَنْ حَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَجْمَعُ بَيْنَ الرَّجُلَيْنِ مِنْ قَتْلَى أَحَدٍ –
يَعْنِي: فِي الْقَبْرِ، ثُمَّ يَقُولُ: «أَيُّهُمَا أَكْثَرُ أَحْذَا لِلْقُرْآنِ؟» فَإِذَا أُشِيرَ لَهُ إِلَى أَحَدِهِمَا قَدَّمَهُ فِي الْلَّحْدِ.
رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ. [1343]

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади.

«Набий соллаллоху алайхи васаллам Ухуд қурбонларидан икки кишини бир қабрга жамлар, кейин: «Қай бири Қуръонни күпроқ ёд олган?» дер эдилар. Қайси бирига ишора қилинса, лаҳадга аввал ўшани қўяр эдилар.

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Ушбу ривоятдан Набий соллаллоху алайхи васаллам саҳобаларга тириклигида ҳам, улар вафот этганидан кейин ҳам Қуръонга бўлган муносабати, Қуръонни қанча ёдлаганига қараб муомала қилганларини билиб оламиз. Ухуд жангид шаҳид кетганлардан Қуръондан кўп ёдлаганларини биринчи бўлиб қабрга қўйишлари шуни кўрсатади.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анху Набий соллаллоху алайхи васалламдан ривоят қиласди: «Қиёмат куни Қуръон соҳибига: «Ўқи ва кўтарил, дунёда қандай ўқиган бўлсанг, шундай ўқи. Охирги оятни ўқиган жойинг (жаннатдаги) манзилинг бўлади», деб айтилади».

(Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон ривояти. Ҳадис санади ҳасан-саҳих).

Ушбу ривоятда Қуръон ёдлаш ва уни шошилмасдан дона-дона қилиб ўқиши фазилати ҳақида сўз юритилмоқда.

Банда охиратда Қуръон ўқигани, уни ёд олиб, Қуръонга амал қилгани учун жаннатга кираётганида, унга: «Қуръонни ўқи. Дунёда қандай ўқиган бўлсанг, шундай ўқи. Қуръондан охирги оятни ўқиганингда жаннатдаги сўнгги даражангга етасан», дейилади. Демак, банда Қуръондан қанча кўп ёдласа, жаннатдаги мартабаси шунча юқори бўлади. Сабаби жаннатда Қуръонга қараб ўқилмайди. Табиийки, бунда банда қанча ёдлаган бўлса,

ўша миқдорда Қуръон ўқий олади.

Хаттобий айтади: «Асарларда келишича, Қуръон ояtlари жаннат поғоналари миқдорига тенг. Қорига: «Қуръондан қанча ўқишинингга қараб жаннат поғоналаридан юқорилаб бораверасан», дейилади. Ким Қуръоннинг ҳаммасини ёдлаган бўлса, охиратда жаннатнинг энг юқори поғонасига чиқади.

Ким ундан бир қисмини ёдлаган бўлса, даражаси ҳам шунга қараб белгиланади. У қанча ўқишига қараб ажр-савобга эга бўлади».

Манба: hadis.islom.uz

